

# ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ЯПОНИЯДА ЎЗ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БҮЙИЧА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ОЛИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИЛАР

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзуллажон Қосимов Япониянинг илғор компаниялари учун малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи “Willtec”, “Wat consulting” ва “Nippondo” компаниялари раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Фарғона политехника институтида амалга оширилаётган “Career Development Project” лойиҳаси доирасида “Wat consulting” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган Япон тили ва япон технологияларини ўргатиш маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

ФарПИ битирувчиларининг Японияда ўз мутахассисликлари бўйича фаолият олиб бориш имкониятини тақдим этувчи ушбу марказ, дастлабки босқичда олийгоҳнинг кундузги ва сиртқи бўлимларда қурилиш ва архитектура йўналишларида таълим олаётган 4 минг нафардан зиёд талabalарни қамраб олиши кўзда тутилган. Бир вақтнинг ўзида 175 нафар талабага Япон тили ва япон технологияларини ўргатишга мўлжалланган марказ, икки йиллик дастур асосида ўқув амалиётларини ташкил этади. Япониянинг йирик қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда иш олиб борувчи “Wat consulting”, марказни муваффақиятли тамомлаган олийгоҳ битирувчиларини Японияда ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат фаолияти олиб боришларини таъминлайди. Кейинги босқичда марказ кенгайтирилиб, бошқа йўналишларда таълим олаётган талabalар ҳам жалб этилади.

Аҳолиси йил сайнин кексайиб бораётган Японияда тил билувчи ва замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмасига эга малакали мутахассисларга катта эҳтиёж мавжудлигини қайд этган японияликлар, Фарғона политехника институти талabalарининг билим ва салоҳиятини юқори баҳолаб, ўқув маркази битирувчилари, ўз мутахассисликлари бўйича фаолиятларини Японияда муваффақият билан давом эттиришларига ишонч билдиришди.

Фарғонада Япония билан ҳамкорликда касбий таълим ҳамда япон тилини ўргатиш бўйича қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириб келинаётганини қайд этган Файзуллажон Қосимов, дунёда сифат даражаси бўйича юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллаган Япония таълим тизимининг Фарғонада техник соҳа мутахассисларини тайёрлашда ҳам тадбиқ этилиши вилоят учун ўта аҳамиятли бўлишини таъкидлади ва лойиҳа вилоят ҳокимлиги томонидан тўла қўллаб-куvvatлашини билдириди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Фарғонадаги қатор ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида қурилиш соҳаси усталари ҳам тайёрланишини қайд этиб, уларга ҳам япон тили ва амалий касб кўникмаларини ўргатган ҳолда Япония қурилиш компанияларида мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш бўйича қўшма иш ташкил этиш таклифини илгари сурди ва бу Япониялик тадбиркорлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Учрашувда Фарғона политехника институти ректори Ўқтам Саломов, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Анваржон Абдуллаев, вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Зиёдбек Юнусов, вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов ҳам иштирок этдилар.

---

2023-04-26 12:23:02